

ҲАМИДУЛЛОҲ МУҲАММАДШУКУР

# مبدأ القراءة

МАБДАЬ УЛ- ҚИРОАТ  
дарслиги

(Зарурий наҳв ва сарф қоидалари билан)

ЎҚИШ АСОСЛАРИ

Тошкент - 2007

Қўлингиздаги ушбу араб тили дарслигига Сунъатуллоҳ Бекпўлат томонидан ёзилган “Мабдаъ ул-қироат” дарслиги матнлари асос қилиб олинди ва уларга мос равишда сарф ва нахв қоидалари бериб борилди. Матн сўнгидаги эса, жумлаларнинг таркиби илова қилинди. Яъни матндан гаплар грамматик жиҳатдан таҳлил қилиниб, кенг баён қилинди.

Китоб араб тилини ўрганишга қизиқувчи китобхонлар ва маҳсус араб тилини ўрганувчилар оммасига мўлжалланган.

**Мусанниф:**  
**Ҳамидуллаҳ Муҳаммадшукур**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Сўз боши

**Ҳамду сано Ул Холиқи доногаким, бизларни ақлу нутқ ила сарофroz ва илму маърифат ила эъзоз этибдир. Рисолатпаноҳ Расули Акрам Мухаммад Мустафога, ул зотнинг ахли байтларига, сахобаи киромларига ва уларга чиройли суратда эргашганларга салоту ва саломлар бўлсин.**

Куръони карим ва Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари Ислом шариъатининг негизи саналади. Уларга имомларимиз томонидан ёзилган тафсир ва шарҳлар, ҳамда факих имомларимиз улардан истинбот қилиб олган усул-ақида ва фуруъот-фиқҳий масалалар барчаси араб тилида тасниф қилинди. Бас, шундай бўлгач ўз дини ва шариъатини чуқур ўрганиш мақсадида барча халқлар каби бизнинг диёрларда ҳам араб тилини ўргатишга бағишланган юзлаб асарлар ёзилди. Бу асарлар араб ва форс тилида бўлиб, бу тилларда сўзлашмайдиган туркий халқларга бу китоблар мashaққат туғдирар эди. Ўн тўққизинчи аср охирлари йигирманчи аср бошларида халқпарвар уламолар томонидан туркий тилларда диний адабиётларни тасниф қилиш бошланди. Шулар қаторида араб тилини ўргатадиган сарф ва нахв дарсликлари ҳам таълиф этилди.

Диёrimiz мустақлликка эришганидан кейин диний қадриятларимизни асл манбалардан ўрганишга қизикқан халқимизнинг араб тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бир қанча араб тили грамматикаси дарсликлари чоп қилинди. Бу дарсликлар асосан ғарб (рус) араб тилшунослари услубига таянгани боис ва араб тили қоидаларини "ўзбекчалаштириш"га ҳаракат қилингани сабабли камчиликлардан холи бўлмади. Зероки, араб тилининг бошқа тилларда топилмайдиган ўзига хос хусусиятлари бор. Шу нуқтаи-назардан биз бу китобда асл арабий истилоҳларни келтириб, араб тили қоидаларини ўзбек тилида баён этиб, унга изоҳ бериб ўтдик. Чунки, одатда қайси тил ўрганилаётган бўлса, шундаги асл атамалар қўлланилади. Масалан, ўзбек ёки рус тилида ёзилган инглиз, француз, италян, немис ва ҳоказо тилларни ўргатишга мўлжалланган ҳар қандай дарсликни кўздан кечирсангиз, мазкур тилдаги аслий истилоҳлардан фойдаланилганига гувоҳ бўласиз.

Биз бу қўлланмада араб тили нахви асосида битилган араб тилини чуқур тушинишга, ҳамда диний адабиётларни тушиниб мутола қилишга ёрдам берадиган оммабоп илмий дарслик тасниф қилишга ҳаракат қилдик. Бунда XX аср бошларида Сунъатуллоҳ Бекпўлат томонидан ёзилган ва бизни диёрларда ҳам машғур саналган ва кенг қўлланиладиган “Мабдаъ ул-қироат”нинг биринчи қисми матнлари асос қилиб олинди ва уларга мос равишда сарф ва нахв қоидалари берб борилди. Матн сўнгида эса, жумлаларнинг таркиби илова қилинди. Яъни, матндаги гаплар грамматик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиниб, тушунарли қилиб баён қилинди. Зоро, бундай

тафсилот ўқувчилар зехнида грамматик қоидаларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишида катта аҳамиятга эгадир. "Мабдаъ ул-қироат" матнларидағи баъзи бир калималарни ўрни ўзгаририлди. Баъзи бир қоидаларни зарурат юзасидан олдинга ўтказдик ҳамда тушинарли бўлсин деб, китоб матнига бошидан икки дарс ва ўрталарида баъзи бир дарсларни илова қилдик. Китобнинг охирига муаллиф иккинчи китобида келтирган таркиб қоидаларини илова қилдик ва қўшимча дарсларнинг матнини "Мабдаъ ун-наҳв", "Дурус ун-наҳвия" ва "Шифохия" китобларидан танлаб олдик. Ўқувчи луғат китобларидан фойдаланиб, сўзларни топишга ҳаракат қилсин, луғат кўриш малакаси ошсин деб, китоб охиридағи қўшимча дарсларни луғатини келтирмадик. Дарсликдаги матнлар жами 70 та дарс.

Ҳар қандай ишда бўлганидек, қўлингиздаги китоб ҳам камчиликлардан холи эмас. Баъзи жойларда наху олимлари ишлатган атамалардан четлашиб, атаманинг умумий номини келтирдик. Мақсад, янги ўқувчига чигаллик туғдирмаслик. Мисол учун нахв олимлари 3-9 гача бўлган саноқ сонларни изофа яъни музоф ва музофун илайхи, 11-99 бўлган сонларни эса тамйиз ва мумайяз деб атайдилар. Биз эса 27-29 дарсларда саноқ сонларни барчасини бир хилда адад ва маъдуд деб атадик. Яна, нахв китобларида афъали ҳамса феъллари ва муаннас жамидаги нуни нисвани муттасил замирлар деб алиф фоили, вавул жамоат фоили, йай мухотаба фоили, нуни нисва фоили деб атайдилар. Биз замирларнинг маъноси ўқувчининг зеҳнига чуқур етиб бориши учун, олимларга хилофган яширинган мустатир замирлар сифатида: *هُنَّ، أَنْتُ، أَنْتُمْ، أَنْتُمّْا* фоили бор дедик. Ҳамда нахв олимлари орасидаги ихтилофларни келтириб, уларнинг баҳсларига киришмадик. Айтиб ўтганимиздик, мақсадимиз ўқувчига чалкашлик тўғдириб гангитиш эмас. Қўлингиздаги китобча камчиликлардан холи эмаслигини эътироф этсак-да, асосий мақсадимиз араб тилини ўрганувчиларга қулайлик туғдириш эканлиги эътиборидан, уни ҳукмингизга ҳавола қиласиз. Мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларингиздан кейинги ишларимизда фойдаланамиз.

*Ҳамидуллоҳ Муҳаммад Шукур.*

e-mail: hamidbek77@yandex.ru

## الدَّرْسُ الْأَوَّلُ

### Биринчи дарс

#### Калима ва эъроб

Араб тилида ўзидан бирор бир маъно англатган (ҳарфлар бирикмасидан иборат) сўзга "калима" дейилади. М: **كِتَابٌ** - китоб, **قَلْمَنْ** - қалам, **فَرَسْنُ** - от

Лафз деб, ўзидан маъно англатган ёки англатмаган (ҳарфлар бирикмасидан иборат) товушга айтилади. М: **زَيْدٌ** - Зайд (исм), **دَيْزُ** - Зайдни тескариси (товуш)

Бирор бир фикр ёки мақсадни англатган сўзлар бирикмасига "калом" ёки "жумла" дейилади. Араб тилида калом - жумлалар икки ва ундан ортиқ калималардан тузилади. Ҳамда камида икки исм ёки бир исм ва феълдан ясалади. М:

**حَمْوُدُ مُجْتَهِدٌ** - Маҳмуд тиришқоқдир (икки исмдан тузилган), **نَامَ الْوَلِيدُ** - бола ухлади.

Бир феъл ва ҳарфдан ёки икки феълдан ёки бир исм ва ҳарфдан ясалмайди.

Икки ва ундан ортиқ калималардан тузилган жумламиизда биз уни назарда тутган фикр ёки мақсад англашилмасдан гапимиз тугалланмаган бўлса "калим" дейилади. М: **قَلْمُ الْتَّلْمِيْدُ مُجْتَهِدٌ** - тиришқоқ ўқувчи..., **عَلَى زَيْدٍ** - ўқувчининг қалами...,

**فِي الْبَيْتِ** - уйда..., **إِنْ قَامَ زَيْدٌ** - агар Зайд турса.....

Қавл деб, ўзидан маъно англатган сўзлар (калима, калом ва калимлар)га айтилади. Араб тилида калима уч қисмга бўлинади: исм, феъл ва ҳарф.

**Ислам деб, ўзидан бирор бир маъно англатиб учала замоннинг бирортасига далолат қилмаган калимага айтилади.** М: **كِتَابٌ ، قَلْمَنْ ، فَرَسْنُ**

**Феъл деб , ўзидан маъно англатган ва учала замоннинг бирига далолат қилган калимага айтилади.** М: **ضَرَبَ ، يَنْصُرُ**

**Ҳарф деб, ўзи мустакл бирор бир маънога эга бўлмасдан балки, бошқа калималарга қўшилиш орқали маъно англатадиган калимага айтилади.** М:

**إِنْ ، فِي ، عَلَى ، عَنْ ، إِلَى**

Маълумки, араб тилида маънолар жумладаги калималарнинг тартиби ва уларнинг ўзгаришига қараб ўзгаради. Шунингдек, араб тилида калималарнинг тартиби ўзгаришига қараб калиманинг охиридаги ҳаракати ҳам ўзгаради. Бу ўзгаришга араб тилида **эъроб** дейилади.

Демак, шу каби жумладаги тартибининг ўзгариши сабабли калиманинг охиридаги ҳарфнинг ҳаракати ўзгаришига "эъроб" дейилади.

**Жумладаги тартиб ўзгариши сабабли охирги ҳарфининг ҳаракати ўзгарган калиманинг ўзига "мўъроб" дейилади.**

Баъзан эса, жумладаги тартиби ҳарқанча ўзгарса ҳам, охиридаги ҳарфининг ҳаракати ўзгармасдан бир хилда ҳеч бир ўзгаришсиз келадиган калмалар ҳам бор.

**Жумладаги тартибининг ўзгаришига қараб, охиридаги ҳарфининг ҳаракати ўзгармаган калимага "мабний" дейилади.**

**Жумладаги тартибининг ўзгариши сабабли охирги ҳарфининг ҳаракати ўзгармаслигига "бино" дейилади.**

**Ҳарфлар доимо мабний бўлади, ҳеч вақт мўъроб бўлмайди.**

**Араб тилида ҳаракатлар тўртта:** замма ( ڦ ), фатҳа ( ڦ ڦ ), касра ( ڦ ڦ ), сукун ( ڦ )

Шунингдек, эъроблар ҳам тўрт турли бўлиб, шулардан раф (замма), насб(фатҳа) ва жазм (сукун)лар феълларга хосдир. Раф, насб ва жар (касралар исмларга хосдир. **Ҳарфларга эъроб кирмайди.**

Феъллардан мозий ва амр феъллари мабний бўлиб, факат музореъ феълигина муъробдир.

Музореъ феълларда рафнинг аслий аломати "замма" дир. M: يَكْتُبْ ، تَكْتُبْ ، نَكْتُبْ کаби<sup>1</sup>.

Насбнинг аслий аломати фатҳадир. M: يَكْتُبْ ، تَكْتُبْ ، نَكْتُبْ کаби<sup>2</sup>.

Жазмнинг аслий аломати "сукун" дир. M: تَكْتُبْ يَكْتُبْ کаби<sup>3</sup>.

Охири иллатли ҳарф билан тугаган "ноқис" феълларда жазм ҳолатида сукун ўрнига ҳарфи иллат туширилади. M: نِبْرِي = يَبْرِي ، نَبْرِي = يَبْرِي کаби.

Ислмарда рафнинг аслий аломати "замма"дир<sup>4</sup>.

Насбнинг аслий аломати фатҳадир<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Беш ўринда замманинг ўрнига "зоида нун" туради. M: يَكْتُبَانِ ، تَكْتُبَانِ ، يَكْتُبُونَ ، تَكْتُبُونَ ، تَكْتُبِينَ کаби. Бу вазиндаги беш феъллар "Афъоли ҳамса" дейилади .

<sup>2</sup> "Афъоли ҳамсада" фатҳанинг ўрнига "зоида нун" тушиб қолади. M: يَكْتُبَا ، تَكْتُبَا ، يَكْتُبُوا ، تَكْتُبُوا ، تَكْتُبِي کابи.

<sup>3</sup> "Афъоли ҳамсада" сукун ўрнига "зоида нун" тушиб қолади. M: تَكْتُبَا ، تَكْتُبَا ، يَكْتُبُوا ، تَكْتُبُوا ، تَكْتُبِي کابи.

<sup>4</sup> тасния исмларда замма ўрнига "алиф" ва касралик "зоида нун" келади. M: كِتابٌ = كِتابَانِ کابи. "Жами музаккири салим" да "замма" урнига "вов" ва фатҳалик "зоида нун" келади. M: مُسْلِمُونَ کابи.

Жарнинг аслий аломати "касра" дир<sup>6</sup>.

Эъроблар икки хил бўлади: "тақдирий эъроб" ва "лафзий эъроб".

Ёзилишда ва талаффузда кўриниб ва билиниб турадиган эъробга "лафзий эъроб" дейилади. M: **كِتابٌ**, **كِتابَانِ**, **كُتُبٌ**, **مُسْلِمٌ**, **مُسْلِمَانِ**, **مُسْلِمُونَ** каби.

Ёзилишда ҳам талаффузда ҳам кўринмасдан ва билинмасдан балки, ёдда тақдир қилинадиган эъробга "тақдирий эъроб" дейилади. M:

**القاضِي ، قَاضٍ ، يَحْشِي ، يَدْعُو ، يَرْمِي** каби.

Мутлоқ ноқис феълларда охирги ҳарфи иллатли бўлгани учун, унга ҳаракат бериш оғир ва узурли бўлади ва шу сабабли охиридаги эъроби тақдир қилинади. M:

**يَحْشِي ، يَدْعُو ، يَرْمِي** каби.

**I-mashq:** қуйидаги калималарни ўқиб таржима қилинг ва исм, феъл ва ҳарфга ажратинг ҳамда эъробини аниқланг.

**يَحْشِي ، يَدْعُو ، فِي ، هَذَا ، الْقَاضِي ، كِتابٌ ، كِتابَانِ ، كُتُبٌ ، تَكْسُبٌ ، عَلَى ، فَرَسْ ، يَكْسُبٌ ، عَنْ ، نَكْسُبٌ ، مِنْ ، يَرْمِي ، قَلْمٌ ، أَكْتُبٌ ، إِلَى .**

### Лугат

**كِتاب** – китоб

**يَحْشِي** – қўрқади

**قَلْمٌ** – қалам

**يَدْعُو** – чақиради

**فَرَسْ** – от

**يَكْسُبٌ** – ёзади

**قَاضٍ** – қози

**يَرْمِي** – отади

**مِنْ** – ким

**هَذَا** – бу

**فِي** – да, ичида

**عَلَى** – устида , -га

<sup>5</sup> Тасния исмларда фатҳанинг ўрнига олдидаги ҳарфнинг ҳаракати фатҳали бўлган "йо" ва "зоида нун" келади. M: **كِتابِينَ = مُسْلِمِينَ = مُسْلِمًا** каби.

"Жами музаккири салим" да фатҳанинг ўрнига олдидаги ҳарфнинг ҳаракати касрали бўлган "йо" ва "зоида нун" келади. M: **كِتابِينَ = مُسْلِمِينَ = مُسْلِمًا** каби.

"Жами муаннаси солимнинг" да фатҳа ўрнига "касра" келади. **مُسْلِمَاتٍ = مُسْلِمَةً** каби.

<sup>6</sup> Тасния исмларда касранинг ўрнига олдидаги ҳарфнинг ҳаракати фатҳали бўлган "йо" ва "зоида нун" келади. M: **كِتابِ**, **كِتابِينَ = مُسْلِمِ** каби.

"Жами музаккири салим" да касранинг ўрнига олдидаги ҳарфнинг ҳаракати касрали бўлган "йо" ва "зоида нун" келади. M: **كِتابِينَ = مُسْلِمِينَ = مُسْلِمًا** каби.

من – дан,

إلى – га, гача

عن – (бирор наса) хақида, - дан

### الدُّرْسُ الثَّانِي

## Иккинчи дарс Мубтадо ва хабар

**Мубтадо гапнинг бошида келиб, маърифа ва (эъроби) раф бўлиши шарт бўлган исмдир. Мубтадо ким ёки нима сўроғига жавоб бўлади. M: فَرِيدُّ مُجْتَهَدٌ**  
каби.

Маърифа деб, атоқли отлар (одамлар, шаҳарлар, ҳайвонлар ва предметларга аталиб қўйилган номлар), алиф ва ломлик исмлар, исми мавсула ва исми ишоралар, замирлар ва маърифага изофа бўлган накра исмларга айтилади.

Маърифа - аник, накра - ноаниқ, таниқсиз исмлар. Исмларда накра асл бўлиб, унда маърифанинг мазкур олти аломатлари келмаган барча исмлар накрадир.

Хабар мубтадодан кейин келиб, мубтадо ҳақида хабар бераб, бунинг ҳам эъроби (харакати) раф бўлган, маърифа накралиқда фарқ қилмайдиган исмдир. M: فَرِيدُّ مُجْتَهَدٌ  
каби.

Хабар мубтадо билан бирга гапдаги маънони тўлдирувчи жумланинг иккинчи қисмидир.

**Мубтадо ва хабар муфрад, тасния ва жамлиқда, музаккар ва муаннасликда бир хил бўлиши шарт. M: فَرِيدُّ مُجْتَهَدٌ**  
каби.

Эр жинсига ишлатиладиган калималар "музаккар" дейилади. Аёл жинсига далолат қиладиган калималар "муаннас" дейилади. Унда муаннаслик белгилари топилмаган калималар музаккар жинсида ишлатилади.

Муаннаслик аломатлари учта: 1) Калиманинг охирида муннас "та" (ة) келиши. M:

مُسْلِمَةٌ ، فَاطِمَةٌ ، مِقْلَمَةٌ ، جَمِيلَةٌ

2) Калиманинг охирида қисқа алиф (мақсурा - бир алиф миқдорида чўзиш) келиши. M: حُبْلَى ، شَكْوَى ، حَمْقَى ، حَسْنَى

3) Калиманинг охирида узун алиф (мамдуда) келиши. M: حَسْنَاءُ ، رَعْنَاءُ ، طَحْنَاءُ ، حَمْرَاءُ

**2-машқ:** қуидаги гапларни ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб нима учун мубтадо ва нима учун хабар бўлаётганини қоидалар асосида изоҳланг.

فَرِيدٌ مُجْتَهِدٌ ، فَاطِمَةُ مُجْتَهِدَةٌ ، حَمْوُدٌ قَائِمٌ ، الْتَّلَمِيذُ مُجْتَهِدٌ ، زَيْدٌ كَسْلَانُ ، الْتَّفَاحُ لَذِيْدٌ ، سَلِيمٌ مُعَلِّمٌ

Фрід Мұжтед, Фатіма Мұжтеде, Ҳамуд Қайым, Алтімізд Мұжтед, Зейд Қаслан, Алтынай Әлдін, Салім Мұлім мубтадо, Фрід Мұжтед - хабар.

Жеміле - Ашықтарда - мубтадо, Жеміле - Ашықтарда - хабар.

## Луғат

Мұаллим - مُعَلِّم

قَائِمٌ - турувчи

Тиришқоқ - مُجْتَهِدٌ

تِلْمِيذٌ - ўқувчи

Дангаса - گَسْلَانُ

تُفَاعُّ - олма

Шириң - لَذِيْدٌ

نَشَافَةٌ - босма қофоз

Чиройли - جَمِيلٌ

مِقْلَمَةٌ - қаламдон

## الدَّرْسُ الثَّالِثُ

### Учунчи дарс Жумла турлари ва фоил

Жумлалар иккига бўлинади: "жумлаи исмия" ва "жумлаи феълия".

Ислом билан бошланиб, исмлардан тузилган жумлага "жумлаи исмия" дейилади.

М: فَرِيدٌ مُجْتَهِدٌ ، هَذَا كِتَابٌ каби.

Феъл ва фоил, ёки мажхул феъли ва ноиб фоилдан тузилган жумлага "жумлаи феълия" дейилади. М: نَامَ الْوَلَدُ ، قَامَ التَّلَمِيذُ ، كُسِرْ الْقَلْمُ каби.

Маълум феълидан сўнг келиб, шу феълни бажарган (амалга оширган) исмга "фоил" дейилади. Фоиллар ким ёки нима сўроғига жавоб бўлиб, эъроби раф бўлади. М: جَاءَ فَرِيدٌ ، قَعَدَ حَمْوُدٌ

Ўзининг ихтиёрисиз феъл унда содир бўлган исмга хам фоил дейилади.

М: مَاتَ زَيْدٌ ، دَقَّتِ السَّاعَةُ каби.

Охири суқун билан тугаган калималардан сўнг "алиф ва ломлик" исмлар келса шу калима "касра" билан ҳаракатлантириллади. М: قَامَتِ التَّلَمِيذَةُ ، نَامَتِ الْوَلِيَّةُ

Феъл ва фоил музаккар ва муаннасликда бир хил бўлиши керак.

М: قَعَدَ مُحَمَّدٌ ، قَامَتْ فَاطِمَةٌ

**З-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб нима учун мубтадо ва хабар бўлганини қоидалар асосида изохланг ҳамда жумла турларини аниқланг.

هَذَا كِتَابٌ ، هَذِهِ نَشَافَةٌ ، هَذَا تِلْمِيذٌ ، الْتِلْمِيذُ مُجْتَهِدٌ ، قَامَ التِّلْمِيذُ ، قَعَدَ حَمْوُدٌ ، كَتَبَ سَلِيمٌ ، يَقْعُدُ التِّلْمِيذُ ، يَقُومُ فَرِيدٌ ، يَكْتُبُ حَمْوُدٌ ، قَامَتِ التِّلْمِيذَةُ ، تَكْتُبُ التِّلْمِيذَةُ .

هذا كتاب - **هذا** мубтадо, марфуъ - рафланган, исми ишоралар мабнийдир исми ишоралардан **هذا** раф ўрнида сукунга мабний. كتاب -хабари, марфуъ рафлик аломати зохирий замма. Жумламиз жумлаи исмия.

هذه نشافة - **هذه** мубтадо, марфуъ - рафланган, исми ишоралар мабнийдир исми ишоралардан **هذه** раф ўрнида касрага мабний. نشافة -хабари, марфуъ рафлик аломати зохирий замма. Жумламиз жумлаи исмия

فَهْيَلِي مَوْزِيْ - **قام** - قام التلميذ - феъли мозий, - фоили марфуъ рафлик аломати зохирий замма. Жумламиз жумлаи феълия.

فَهْيَلِي مَوْزُورْيَهْ - **يقعُد** - يقعُد التلميذ - феъли музореъ, - фоили марфуъ рафлик аломати зохирий замма. Жумламиз жумлаи феълия.

### Лугат

نَامَ – ухлади

قَعَدَ – ўтирди

فَامَ – турди

كَتَبَ – ёзди

مَاتَ – ўлди

دَقَّتْ – жиринглади

جَاءَ – келди

سَاعَةٌ – соат

وَلَدٌ – ўғил бола

وَلِيَدَهُ – қиз бола

### الدَّرْسُ الرَّابِعُ

## Тўртинчи дарс Замирлар

Замир ғоиб ёки мухотоб ёки мутакаллимнинг бирига далолат қиласиган очик исмдан киноя қилинган исмдир.

Замирлар иккига бўлинади: **бориз** - очик замир ва **мустатир** - ёпик, беркитилган замирлар. Иккаласи ҳам ғоиб (учинчи шахс), мухотоб (иккинчи шахс) ва мутакаллим (биринчи шахс) ларга бўлинади.

**Замири мустатир** лафзда ва ёзилишда сурати бўлмаган балки маънода бўлган ёпик замирларга айтилади. Мустатир замирлар доимо фоил бўлгани учун эъробда раф ўрнида бўлади.

M: يَضْرِبُ شу феълнинг ичидаги яширган ёпик **هُوَ** замир мустатир фоили бор. تَضْحَكُ  
бу феълнинг ичидаги яширган ёпик **أَنْتَ** замир мустатир фоили бор. أَذْهَبُ  
бу феълнинг ичидаги яширган ёпик **أَنَا** замир мустатир фоили бор.

**Замири бориз** талаффузда ва ёзилишда сурати бўлган замирларга айтилади. Замири бориз икки қисмга бўлинади: **Мунфасил яъни ажраган** - бирон бир калимага ёпишмаган замирларга **هُوَ، أَنْتَ، أَنَا** каби ва **муттасил яъни ёпишган** - бошқа калималарга қўшилиб келадиган замирларга бўлинади **ضَرَبَتْ، كَتَبَتْ، ذَهَبَتْ** каби.

**Замирлар ҳарфларга ўхшагани учун мабнийдир.**

Феъл унинг устида содир бўлган ёки бажарилган калимага "**мафъулун бихи**" дейилади. M: فَرَأَ حَمْوَدُ الْكِتَابَ خُذِ الْقَلَمَ  
каби.

**Мафъуллар "кимни"** ёки "**нимани**" сўроғига жавоб бўлиб эъробда "**насб**" бўлади.

Мафъулун бихи муфрад, тасния ва жам, музаккар ва муаннас, зоҳир исм ва замири муттасил бўлиб келиши мумкин. Бир феълнинг биттадан уттагача мафъули бўлиши ҳам мумкин.

ما **va مَنْ** билан аниқ бир нарса ёки шахсга мурожаат қилингани учун маърифа бўлиб, мубтадо бўлади.

**4-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб нима учун мубтадо ва хабар бўлганини қоидалар асосида изоҳланг ҳамда замир ва мафъулларни аниқланг.

هَذَا كِتَابٌ ، هَذَا مِسْطَرٌ ، خُذِ الْقَلَمَ ، هَاتِ الْكُرَاسَ ، هَذَا وَرَقٌ ، خُذِ الْكِتَابَ ، مَا هَذَا ؟ - كُرَاسٌ ، مَا هَذَا ؟ - مِسْطَرٌ  
هَاتِ الرِّيشَةَ ، خُذِ الرِّيشَةَ ، هَوَ تِلْمِيْدٌ ، أَنْتَ تِلْمِيْدٌ ، أَنَا مُعَلِّمٌ ، أَنَا تِلْمِيْدٌ ، هَاتِ الْمِسْطَرٌ .

ما **ما** - **هذا** билан аниқ бир нарсага мурожаат қилингани учун маърифа бўлиб, мубтадо, **هذا** хабари, марфуъ, раф маҳалида сукунга мабний. **كُرَاسٌ** маҳзуф мубтадога хабар, маҳзуф мубтадо **هذا**.

**"Махзуф"** олиб ташланган.

амр феъли, сукунга мабний, ичидаги яширган ёпик мухотоб **أَنْتَ** замир мустатир фоили бор, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки замирлар ўз ҳаракатига

мабнийдир, замирлардан أَنْتَ фатхага мабний. الْقَلْمَنْ мафъулун бихи, мансуб, насблик аломати зоҳирий фатха.

### Луғат

خُذْ – ол	مِسْطَرٌ – чизгич, линейка
هَاتْ – бер, келтириш	كُرَاسٌ – дафтар
وَرْقٌ – варақ	رِيشَةٌ – перо (пат қалам)
هَوَ – у (олмош)	أَنْتَ – сен
أَنَا – мен	مَا هَذَا ? – нима ? مَا هَذَا – нима бу ?

### الدَّرْسُ الْخَامِسُ

## Бешинчи дарс Изофа, хабар навлари ва ҳарфи жар

Икки исмнинг бир - бирига қўшилишига **изофа** дейилади. Қўшилган икки исмнинг биринчиси **музоф** - қўшилган, иккинчиси **музофун** илайхи - унга қўшилган дейилади. М: مَكْتَبُ الْمُعَلِّمِ ، قَلْمَنْ مُحَمَّدٍ

Музоф ҳар хил ҳаракатда бўлиб, "танвин" ва "алиф ва лом" ни қабул қилмайди. Эъробда музоф эътиборга олинади, маъно музофун илайхидан айтилади.

Изофалар "нинг" қўшимчаси билан қўшилади.

Музофун илайхи доимо эъроби "жар" бўлиб, танвин келса "алиф ва лом" келмайди, "алиф ва лом" келса "танвин" келмайди. Музофун илайхини эъробда аҳамияти йўқ.

Хабарлар икки хил бўлади: муфрад хабар فَرِيدٌ مُجْتَهِدٌ каби, жумла хабар فَرِيدٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ каби. Жумла дейилганда "жумлайи феълия" ва "жумлайи исмия" ҳар иккаласи ҳам тушинилади. Демак, "жумла хабар" дейилганда "жумлайи феълия" ёки "жумлайи исмия"дан бири бўлиши мумкин.

Мубтадонинг хабари жумла бўлганда мубтадога қайтадиган замир бўлиши керак. فَرِيدٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ шунда нинг هَوَ замир мустатир фоили мубтадога қайтаяпди.

Бу замир мубтадога мос бўлиши керак, қайтадиган замир фоил, мафъулун бихи, музофун илайхи ва мажрур замир ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарфи жар - исмни жар қилувчи ҳарф, мажрур - жар қилинган исм.

Ҳарфи жарлар ўзидан кейин келган исмни мажур қилиб унинг вазифаси мажурни ўзидан олдинги ёки ўзидан кейинги феълга ёки шубхий феълга боғлашдир.

Шубхий феъллар ҳам феълларга ўхшаб исмларга кириб бирини "раф" иккинчисини "насб" қилади. Шубхий феъллар исми масдар, исми фоил, исми мафъул, исми тафзил, сифати мушаббаҳа, исми муболага ва исми феълардир. Ҳарфи жар мажурни боғлайдиган калима "мутааллиқ" дейилади.

**5-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб нима учун мубтадо ва хабар бўлганини қоидалар асосида изоҳланг ҳамда изофа ва хабар турларини аниқланг.

هَذَا مَقْعُدُ التِّلْمِذِ ، هَذَا مَكْتَبُ الْمُعَلِّمِ ، خُذِ الْوَرَقَ ، هَاتِ الْمَاسِكَةَ ، مَا هَذَا ؟ - كُرْسِيٌّ ، فَرِيدٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ ، هَاتِ الْمِمْحَاهَ ، هَاتِ الْمِسْطَرَ ، مَا هَذَا ؟ - هَذَا كِتَابٌ ، أَتَلِمِيْدٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ فِي الْفَصْلِ ، الْمُعَلِّمُ يَكْتُبُ فِي الْمَدْرَسَةِ ، أَتَلِمِيْدٌ يَكْتُبُ فِي الْمَدْرَسَةِ ، عُشْمَانٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ فِي الْفَصْلِ ، عَبْدُ اللَّهِ فِي الْفَصْلِ يَكْتُبُ ، مَا هَذَا ؟ - هَذَا حِبْرٌ .

هَذَا مَقْعُدُ التِّلْمِذِ мубтадо, марфуъ - рафланган, исми ишоралар мабнийдир, исми ишоралардан ҳада раф ўрнида сукунга мабний. مَقْعُدُ - التِّلْمِذِ - музоф, музофун илайхи, музоф ва музофун илайхи мубтадога хабар, марфуъ рафлик аломати зоҳирий замма. يَقْرَأُ - الْمُعَلِّمُ - أَتَلِمِيْدٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ فِي الْفَصْلِ - мубтадо, марфуъ, рафлик аломати замма. музореъ феъли мубтадога жумла хабар, هُوَ - замир мустатир фоили бор, мубтадога қайтияпди, هُوَ фоили марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки, замирлар мабнийдир замирлардан هُوَ фатҳага мабний. مَدْرَسَةٌ - الدَّرْسَ - мафъулун биҳи, мансуб наслек аломати зоҳирий фатҳа. فِي - ҳарфи жар, الْفَصْلِ - исми мажур, жарлик аломати зоҳирий касра, жар ва мажур мутааллиқи يَقْرَأُ феълига.

## Луғат

مَقْعُدُ التِّلْمِذِ – парта (ўқувчининг ўтирадиган жойи)

مَكْتَبُ الْمُعَلِّمِ – ёзув столи (ўқитувчининг ёзадиган жойи)

مَاسِكَةٌ – ручка	مَدْرَسَةٌ – мадраса
-------------------	----------------------

مِمْحَاهَ – ўчириғич	فَصْلٌ – синф
----------------------	---------------

شَايُ – чой	حِبْرٌ – сиёҳ
-------------	---------------

يَقْرَأُ – ўқияпти	يَشْرَبُ - ичаяпти
--------------------	--------------------

كُرْسِيٌّ – курси, стул	فِي – да ? (кўмакчи)
-------------------------	----------------------

الدَّرْسُ السَّادِسُ

## Олтинчи дарс

### Мутаъаддий феъллар

Феъл пайдо бўлаётганда феъл фоилдан бошқа нарсага таъсир қилмасдан фақатгина фоилнинг ўзида содир бўлса "лозим феъл" - "ўтимсиз феъл" дейилади. М: ، نَمَ الْوَلْدُ ، قَعَدَ التَّلْمِيْدُ ، قَامَ الْمُعَلِّمُ کаби.

Агар феъл содир бўлаётганда феъл фоил тамонидан бажарилиб, бошқа нарсага таъсир қилса ва унда кўринса "мутаъаддий феъл" дейилади.  
M: حَذَّ الْوَرَقَ ، عُثْمَانُ يَقْرَأُ الدَّرْسَ کаби.

**"Мутаъаддий феъл"** деб, фоили ва мафъули бўлган ва мафъулун биҳига мухтож бўлган феълларга айтилади. Яъни, кимни ёки нимани сўроғига жавоб бўлади.

**"Лозим феъл"** деб, мафъули бўлмаган, балки, мафулун биҳини ўзига маънода "ҳарфи жар"лар ёрдамида қабул қилган ва мафъулун биҳига мухтож бўлмаган феълларга айтилади. Яъни кимга ёки нимага ва кимдан ёки нимадан каби саволларга жавоб бўлади.

M: أَذْخُلِ الرَّدْهَةَ کаби маънода إِلٰي ҳарфи жар орқали мафъулун биҳини қабул қилди.

Баъзан маънода унга далолат қиласидиган ишора бўлса мубтадо ёки хабар, баъзан феъл ҳам ҳазф қилинади. M: مَنْ فِي الْفَصْلِ ، عَبْدُ اللَّهِ کаби. Энг кўп ишлатиладиган ва умумий маънони берадиган "бор", "топилади" каби сўзларга "афъалу умумлар" дейлади ва уларни доим ҳамҳазф қилиш мумкин. **Афъалу умумлар тўртта:** كَائِنُ، ثَابِتٌ، مُسْتَقِرٌ،

#### مَوْجُود

Ман билан аниқ бир шахсга мурожаат қилингани учун маърифа бўлиб, мубтадо бўлади.

**б-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб қоидалар асосида изоҳланг ҳамда мутаъаддий ва лозим феълларни ажратинг.

خُذِ الْمِقْلَمَةَ ، خُذِ الْكِبِرِيْتَ ، هَاتِ الْمِحْفَظَةَ ، أَذْخُلِ الرَّدْهَةَ ، هَاتِ الْمِبْرَأَةَ ، مَا هَذَا ؟ - شُبَّاكُ ، أَذْخُلِ الرَّدْهَةَ ، هَاتِ الْمِصْبَاحُ فِي الْحُجْرَةِ ، إِقْرَأُ الدَّرْسَ ، مَنْ هَذَا ؟ - مُعَلِّمٌ ، أَذْخُلِ الْحُجْرَةَ ، إِفْهَمِ الدَّرْسَ ، أَقْعُدْ عَلَى الْكُرْسِيِّ ، هَاتِ التَّبَاشِيرَ ، مَنْ يَقْرَأُ الدَّرْسَ

**فِي الْفَصْلِ ؟ - عَبْدُ اللَّهِ ، مَنْ فِي الْفَصْلِ ؟ ، مَنْ يَحْفَظُ الدَّرْسَ ؟ ، الْمُعَلِّمُ يَقْعُدُ عَلَى الْكُرْسِيِّ ، كَرِيمٌ يَفْهَمُ الدَّرْسَ ، السَّاعَةُ فِي الْفَصْلِ .**

Билан аниқ бир шахсга мурожаат қилингани учун маърифа бўлиб мубтадо, хабари. **مُعَلِّم** махзуф мубтадога хабар, махзуф мубтадо. **هَذَا**.

**عَبْدُ اللَّهِ** – музоф, **عَبْدُ** – музофун илайхи, музоф ва музофун илайхи бўлиб мубтадо, махзуф жумла хабар, музореъ феъли **هُوَ** замир мустатир фоили бор, мубтадога қайтияпди.

**مَنْ فِي الْفَصْلِ ؟** – билан аниқ бир шахсга мурожаат қилингани учун маърифа бўлиб мубтадо, **فِي الْفَصْلِ** – харфи жар, **فِي** - мажрур, жар ва мажрур мутааллики махзуф **مَوْجُودٌ** га, махзуф **مَوْجُودٌ** мубтадога хабар.

Афъалу умумларни ҳазф қилиш жоиз деб **مَوْجُودٌ** ни ҳазф қилдик.

### Луғат

**أَذْخُلْ** – кир

**عِنْفَاظَةٌ** – сумка, папка

**شُبَابُكُ** – дераза

**رَدْهَةٌ** – зал

**مِبْرَاهٌ** – чопқи, қаламтарош

**مِصْبَاحٌ** – чироқ

**إِفْهَمٌ** – тушун

**كِبْرِيتٌ** – гугурт

**تَبَاشِيرٌ (طَبَاشِيرٌ)** – бўр

**حُجْرَةٌ** – хужра

**مَقْلَمَةٌ** – қаламдон

**عَلَى** - ...га (кўмакчи), устига

### الدَّرْسُ السَّابِعُ

#### Еттинчи дарс

#### Зарф ёки мафъулун фиҳи

**كَائِنُ اللَّوْحُ كَائِنُ أَيْنَ** – аслида, афъалу умумларни ҳазф қилиш жоиз деб **كَائِنُ اللَّوْحُ كَائِنُ أَيْنَ** ни ҳазф қилдик, **أَيْنَ اللَّوْحُ أَيْنَ** зарф бўлиб, истифҳомлик маъносини ўз ичига олгани учун уни гапнинг бошига ёздик, **أَيْنَ اللَّوْحُ** бўлди, маърифа эмас накра бўлгани учун, уни **ҳабари муқаддам** дедик, **اللَّوْحُ** ни эса **مُبْتَادَوِي مُعَاخَّارِي** дедик. **Ҳабари муқаддам** – олдин келган хабар, **مُبْتَادَوِي مُعَاخَّارِي** - кеч келган мубтадо.

Бирон бир воқеа – ҳодиса ёки иш ҳаракат унда содир бўлган вақтни ёки ўринни билдирган калималарга "зарф" ёки "мафъулун фийхи" дейилади.

"Мафъулун фийхи"лар иккига бўлади: "зарфи замон" ва "зарфи макон". Иш ҳаракат унда содир бўлган вақтни билдирган калималарга "зарфи замон" дейилади.

م: قَبْلُ ، بَعْدَ ، صَبَّاحًا ، مَسَاءً

Ўринни билдирган калималарга "зарфи макон" дейилади. M: أَمَامٌ ، وَرَاءَ ، هُنَا

Зарфлар хам мафъулларга киргани учун эъроби насл бўлади.

Зарфлар хам ҳарфи жарлар каби феълга ёки шубхий феълга мутааллиқ бўлади.

**7-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб қоидалар асосида изоҳланг ҳамда зарфларни ажратинг.

أَيْنَ اللَّوْحُ ؟ ، أَيْنَ الْمِحْبَرَةُ ؟ ، أَيْنَ الْحِبْرُ ؟ ، أَيْنَ النَّشَافَةُ ؟ ، أَيْنَ مَقْعُدُ التَّلْمِيذِ ؟ ، أَيْنَ الْمِصْبَاحُ ؟ ، أَيْنَ الْمِبْرَاهُ ؟ ، أَيْنَ الطَّبَابِشِيرُ ؟ - عَلَى مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ ، أَيْنَ السَّاعَةُ ؟ ، إِقْرَأْ هُنَا ، أَيْنَ الْمِمْحَاةُ ؟ - هُنَا ، أَيْنَ الْمَاسِكَةُ ؟ - هُنَا فِي الْمِقْلَمَةِ ، أَيْنَ الْمُعَلِّمُ ؟ - فِي الْفَصْلِ ، أَيْنَ التَّلْمِيذُ ؟ - فِي الْمَدْرَسَةِ ، أَيْنَ عَبْدُ اللَّهِ ؟ - فِي الْفَصْلِ يَكْتُبُ ، أَيْنَ الْوَرْقُ ؟ ، أَيْنَ الْكُرَاسُ ؟ ، أَيْنَ الْقَلْمُ ؟ - هَاتِ .

أَيْنَ التَّبَاشِيرُ ؟ - عَلَى مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ زarf махзуф га бўлиб, ҳабари муқаддам, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки зарфлар мабнийдир, зарфлардан фатҳага мабний. التَّبَاشِيرُ - мубтадои муаххар, марфуъ рафлик аломати замма. على - ҳарфи жар, مَكْتَبِ - الْمُعَلِّمِ - музоф, مُسْتَقْرٌ - музофун илайҳи, музоф ва музофун илайҳи бўлиб жарга мажрур, жар ва мажрур мутааллиқи махзуф га, махзуф مُسْتَقْرٌ махзуф мубтадога ҳабар, махзуф мубтадои السَّابِشِيرُ.

أَنْتَ إِقْرَأْ هُنَا - амр феъли, сукунга мабний, ичида яширинган ёпиқ мухотоб замир мустатир фоили бор, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки замирлар ўз ҳаракатига мабнийдир, замирлардан أَنْتَ هُنَا га зарфи макон, масуб, насл маҳалида сукунга мабний, чунки зарфлар ўз ҳаракатига мабний, зарфларда هُنَا сукунга мабний.

أَنْتَ مُسْتَقْرٌ هُنَا - أَيْنَ الْمِمْحَاةُ ؟ - هُنَا зарф махзуф مُسْتَقْرٌ га бўлиб, ҳабари муқаддам, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки зарфлар мабнийдир, зарфлардан أَيْنَ هُنَا фатҳага

мабний. **المِحَادُّ** - мубтадои муаххар. Марфуъ, рафлик аломати замма. **هُنَا** - маҳзуф **مُسْتَقَرَّةٌ** га зарфи макон бўлиб, мансуб, насб маҳалида сукунга мабний, чунки зарфлар ўз ҳаракатига мабний, зарфларда **هُنَا** сукунга мабний, маҳзуф **مُسْتَقَرَّةٌ** маҳзуф мубтадога хабар, маҳзуф мубтадо **الْمِحَادُّ**.

**هُنَا فِي الْمِقْلَمَةِ** - **أَيْنَ الْمَاسِكَةُ ؟** зарф маҳзуф **ثَابِتٌ** га бўлиб, хабари муқаддам, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний. **الْمَاسِكَةُ** - мубтадои муаххар, марфуъ рафлик аломати замма. **هُنَا** - маҳзуф **ثَابِتٌ** га зарфи макон бўлиб, мансуб, насб маҳалида сукунга мабний, чунки зарфлар ўз ҳаракатига мабний, зарфларда **هُنَا** сукунга мабний, **فِي** - ҳарфи жар, **الْمِقْلَمَةِ** жарга мажрур, жарлик аломати касра, жар ва мажрур мутааллиқи маҳзуф уша **ثَابِتٌ** га, маҳзуф **ثَابِتٌ** маҳзуф мубтадога хабар, маҳзуф мубтадо **الْمَاسِكَةُ**.

**فِي الْفَصْلِ** - **أَيْنَ مَوْجُودٌ** зарф маҳзуф **مَوْجُودٌ** га бўлиб, хабари муқаддам, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки зарфлар мабнийдир, зарфлардан **أَيْنَ** фатҳага мабний.. **الْمَعْلُمُ** - мубтадои муаххар, марфуъ рафлик аломати замма. **فِي** - ҳарфи жар, **الْفَصْلِ** жарга мажрур, жарлик аломати касра, жар ва мажрур мутааллиқи маҳзуф **مَوْجُودٌ** га, маҳзуф **مَوْجُودٌ** маҳзуф мубтадога хабар, маҳзуф мубтадо **الْمَعْلُمُ**.

**فِي الْفَصْلِ يَكُشُّبُ** - **أَيْنَ مَوْجُودٌ** зарф маҳзуф **مَوْجُودٌ** га бўлиб, хабари муқаддам, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки зарфлар мабнийдир, зарфлардан **أَيْنَ** фатҳага мабний. **عَبْدُ اللَّهِ** - музоф, **اللَّهُ** - музофун илайҳи, мажрур жарлик аломати касра, музоф ва музофун илайҳи бўлиб мубтадои муаххар, марфуъ, рафлик аломати замма. **فِي** - ҳарфи жар, **الْفَصْلِ** жарга мажрур, жарлик аломати касра, жар ва мажрур мутааллиқи **يَكُشُّبُ** га, **يَكُشُّبُ** - маҳзуф мубтадога жумла хабар, музореъ феъли, марфуъ рафлик аломати замма, **هُوَ** замир мустатир фоили бор, **هُوَ** фоили марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки, замирлар мабнийдир замирлардан **هُوَ** фатҳага мабний. Маҳзуф мубтадо **عَبْدُ اللَّهِ**.

## Лугат

**لَوْحٌ** – доска

**مَدْرَسَةٌ** – мадраса, мактаб (дарс ўқийдиган жой)

**مُخْبَرَةٌ** – сиёхдон

**أَيْنَ** – қаерда?

مُسْتَقِرٌ – жойлашган, қарор топган

مَوْجُودٌ – бор, топилади

هُنَا – шу ерда

كَائِنٌ – бор

ثَابِتٌ – сабит, бор

طَبَاشِيرٌ – бўр

## الدَّرْسُ الثَّامِنُ

### Саккизинчи дарс Нидо ва мунодо

**Нидо - чақириш, мунодо - чақирилувчи.**

Нидо - чақириш учун ишлатиладиган махсус ҳарфларнинг бири билан бўлади.

**Мунодо - нидо ҳарфларидан сўнг келиб, чақириувчига бурилишни ва унинг сўзига эътибор қилиши талаб қилинган исмдир.**

**Мунодо тўрт хил бўлади:** 1) мунодои муфрад, 2) мунодои музоф, 3) мунодои накраи мақсада, 4) мунодои накраи ғайри мақсада.

1. Мунодои муфрад изофа бўлмаган, икки исмдан қўшилиб ясалган мураккаб алам ҳам бўлмаган исмларга айтилади. Мунодои муфрад заммага (ёки нимага кўра марфуъ қилинса шунга биноан) мабний бўлади. M: يَا فَرِيدُ ، يَا مُحَمَّدُ ، يَا مُحَمَّدًا ، يَا مُحَمَّدُونَ

2. Мунодои музоф деб, икки исмнинг бир бирига қўшилишидан ясалган изофалик алам, лақаб ва куня исмларга айтилади. M: يَا عَبْدَ اللَّهِ ، يَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ ، يَا رَسُولَ اللَّهِ ، يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ ، يَا أُمَّ كَرِيمٍ ، يَا أُمَّ رَيْدٍ ، يَا أَبَا عَبْدِ اللَّهِ ، يَا أَبَا هُرَيْرَةَ .

Мунодои музоф фатҳага (ёки нимага кўра насл қилинса шунга биноан) мансуб бўлади<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> 3. Мунодои накраи мақсада тайинли бир шахс қасд қилинган накра исмга айтилади. Масалан кўпгина номаълум кишиларнинг орасидан исмини билмаган ёки исмини билса ҳам исмини ошкор қилишни истамаган кишига йа رَجُلٌ ، يَا قُلَانُ ، يَا تِلْمِيِّذٌ ، يَا أَسْتَاذٌ دейилади. Мунодои накраи мақсада ҳам заммага (ёки нимага кўра марфуъ қилинса шунга) мабний бўлади.

4. Мунодои накраи ғайри мақсада тайинли бир шахс қасд қилинмасдан балки, бир сифат остига кирган ҳар бир кишига айтилади. Масалан бир кўзи ожиз киши кўчанинг у томонига ўтмоқчи бўлса ўзини кўчанинг у томонига ўтказиб қўйадиган кишига يَا رَجُلًا خُذْ بِيَدِيِّ دейди, бунда رَجُلًا дан муайян бир киши қасд қилинмасдан балки кўча бўйидаги ҳамма кишилар қасд қилинади, ёки муаллим қийин бир масалани сўзлаш олдидан шогирдларининг дикқатини жалб қилиш учун يَا غَافِلًا

اسْمَعْ كَلَامِي دейди, бунда غَافِلًا дан тайинли бир шогирд қасд қилинмасдан, балки ҳар бир ғафлат босган шогирднинг дикқат билан тинглаши талаб қилинади.

M: يَا رَأِكِيًّا ، يَا حَاجَّا каби.

Мунододан амр ёки нахий яъни, бирор бир ишни бажариши ёки бажармаслиги, ёки, саволга жавоб бермоқлиги талаб қилинади.

Мунодалар эъробда насл бўлади.

Нидо ҳарфлари ушбулар : يَا ، أَيَا ، هَيَا ، أَيْ ، أُ : يَا عَبْدَ اللَّهِ ، أَيَا عَبْدَ الْكَرِيمِ ، هَيَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ ، أَيْ جَمَالَ الدِّينِ ، أَعْمَادَ الدِّينِ  
кабилар.

**8-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб қоидалар асосида изоҳланг ҳамда нидо турларини аниқланг.

أَيْنَ الْكِتَابُ ؟ - الْكِتَابُ عَلَى مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ ، أَيْنَ الْوَلَدُ ؟ - فِي الدَّارِ ، هَذَا رَفٌ ، سَعِيدٌ يَشْرُبُ الشَّايَ بِالْفَجَانِ ،  
عُشْمَانٌ يَا كُلُّ الطَّبِيعَ ، أَيْنَ سَخَانَةُ الْمَاءِ ؟ - هَاتِ سَخَانَةُ الشَّايِ ، مَنْ يَقْرَأُ فِي الْبَيْتِ ؟ ، هَاتِ  
الْمِبْرَأَةِ يَا سَعِيدُ ، إِشْرَبِ الشَّايِ بِالسُّكَّرِ ، كُلِّ الطَّبِيعَ ، خُذِ التَّشَافَةَ يَا كَرِيمُ ، إِقْرَأِ الدَّرْسَ يَا فَرِيدُ ، مُحَمَّدٌ يَشْرُبُ الْقَهْوَةَ  
، إِشْرَبِ الْقَهْوَةَ بِالسُّكَّرِ يَا عَبْدَ اللَّهِ ، مَنْ يَشْرُبُ الشَّايَ فِي الدَّارِ ؟ - سَعِيدٌ ، مَا هَذَا ؟ - سُكَّرٌ ، الْوَلَدُ يَا كُلُّ .

Айн қитаб - китаби мактаби, Айн олдуд - зарф маҳзуф га бўлиб, хабари муқаддам, марфуъ раф маҳалида фатҳага мабний. Альолдуд - мубтадои муаххар, марфуъ рафлик аломати замма - ҳарфи жар, жарга мажрур, жарлик аломати касра, жар ва мажрур мутааллиқи маҳзуф мубтадога хабар, маҳзуф мубтадо олдуд.

Ант замир мустатир фоили бор, марфуъ, раф маҳалида фатҳага мабний, чунки, замирлар мабнийдир замирлардан ант фатҳага мабний. Альмбрәя - ҳат - мағъулун бихи, мансуб насллик аломати фатҳа, я ҳарфи нидо, сукунга мабний, Саудид мунодои муфрад, насл маҳалида заммага мабний.

Я айн ҳарфи нидо, сукунга мабний, عبد - музоф, музофун илайхи, мажрур жарлик аломати касра, музоф ва музофун илайхи бўлиб мунодои музоф, мансуб, насллик аломати фатҳа.

### Луғат

Р - токча

يَا كُلُّ - еяпти

С - самовар

دَارُ - ҳовли

Ф - пиёла

سَخَانَةُ الشَّايِ - чойнак

Т - овқат

بَيْتُ - уй

قْهْوَةً – қахва

يَا – эй, ҳой

شُكَّر - шакар

بِلَان (کўмакчи)

## الدَّرْسُ التَّاسِعُ

### Тўққизинчи дарс Феъл ва феъл турлари

**Иш - ҳаракат ва унинг қилингандан замони ва бажарувчи шахсни билдирган калималарга феъл дейилади.** Ҳар бир феълдан уч нарса тушунилади: 1) иш - ҳаракат, 2) унинг бажарилиш замони, 3) бажарувчиси. Масалан: ضَرَبَتْ феълидан "уриш" ҳаракати, сўзловчининг "(ур) - дим" деган сўзидан ким тамонидан бажарилгани ва айтилган замондан олдин яъни "ўтган замон" да бажарилганини тушунилади.

Феъл бажарилиш замонига кўра уч хил бўлади: "мозий" - "ўтган замон феъли", "музореъ" - "хозирги ва келаси замон феъли", "амр" - "буйруқ феъли".

Иш - ҳаракатнинг айтилган замондан олдин бажарилганини англатган калимага "феъли мозий" дейилади. "Мозий феълининг" асосий алломатлари сукунлик муаннас "то" ни ва "заммага" хос бўлган "мутахаррик замари муттасилларни" қабул қилиши. Масалан: ضَرَبَتْ ، ضَرَبَتْ ، ضَرَبَتْ каби. "Мозий феълларининг" ҳаммаси мабний бўлиб, аслий биноси "фатҳага" бўлади. M: ضَرَبَ ، ضَرَبَ ، ضَرَبَ

Агар унга "жамоат вови" ёпишиб келса "биноси" заммага бўлади. M: ضَرَبُوا ، قَعَدُوا

каби. Агар унга "заммага" хос "мутахаррик замари муттасиллар" ва "жамоат муаннас нуни" туташиб келса "биноси" сукунга бўлади. M: ضَرَبَتْ ، قَعَدْتَ ، شَرِبْنَ

каби.

Демак, "мозий феъли" нинг эъробида учта ҳолат бўлиб уччаласи ҳам мабнийдир: замма, фатҳа ва сукун<sup>8</sup>.

Айтилиш замонидан сўнг бирор иш бажариши мухотоб - тингловчидан талаб қилингандан калимага **амр** - **буйруқ феъли** дейилади. Масалан: اِضْرِبْ ، اُفْعُدْ ، اِشْرَبْ

<sup>8</sup> Баъзи мозий феъллари борки, уларнинг феъл ёки исимлигига наху олимлари ихтилоф қилишган. Улар тўртта калимадир: نِعْمَ ، بِئْسَن ، لَيْسَ ، عَسَى . Бу ҳақдаги сахих - туғри гап булар мозий феълидир. Бунга далилимиз юқорида айтилган мозий феълининг асосий алломатлари "сукунлик муаннас то" ва "заммага" хос бўлган "мутахаррик замари муттасилларни" қабул қилиши. M: نِعْمَتْ ، بِئْسَتْ ، عَسَتْ ، لَيْسَتْ

кабилар. Амр феълининг асосий аломатлари "мухотаба - муаннас йо"ни кабул қилиши, "таъкид нунларининг" кириши ва бирор ишни бажариши ундан талаб қилинмоқлиги. M: اضری ، اشری ، اضرین ، اشرین ، اشرین کаби. Амр феъллари ҳам мабний бўлиб, аслида "сукунга" мабний бўлади. M: اقعد ، اشرب کаби. Агар амр феъли ҳарфи иллат билан тугаган бўлса, охиридаги иллат ҳарфни тушиб қолишига кўра мабний бўлади. M: ابر ، اخشن ، ادع کаби. Агар калима "тасния" ёки "жами музаккар" ёки "мухотаба муаннас йо"си бўлса амр феълининг биноси "ҳазфи нун" - зоида нунни олиб ташлашга кўра бўлади. M: قوما ، قومي کаби. Агар "таъкид нунлари" тулашиб келса амр феълининг биноси "фатҳага" кўра бўлади. M: ابرین ، ادعون ، اخشين ، ادعون کаби.

Демак, "мозий феъли"нинг эъробида учта ҳолат бўлгани каби амр феълида ҳам тўрттала ҳолат бўлиб ҳаммаси ҳам мабнийдир: суун, ҳазфу ҳарфи илла, ҳазфу нуни зоида ва фатҳа<sup>9</sup>.

Биз бу ўринда феълларнинг тусланиши ва уларнинг "соғ" ёки "касал" феъллардан эканлигини ўрганмаймиз. Буларни билиш учун сарф илмини ўргатадиган китобларга, жумладан "Жаноҳ ут-толиб", "Мукаммал сарф дарслиги", "Бошланғич сарф дарслиги" каби китобларга мурожаат қилинсин.

**9-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб қоидалар асосида изоҳланг ҳамда феъл турларини аниқланг.

أَيْنَ الْمُصَلَّى ؟ هَاتِ الْمِسْوَاكَ ، أَدْخُلِ الرَّدْهَةَ ، سَلِيمٌ يَحْفَظُ الدَّرْسَ ، إِحْفَظِ الدَّرْسَ ، هَذَا بَابٌ ، مَنْ يَحْفَظُ الدَّرْسَ ؟ – كَرِيمٌ ، الْوَلَدُ يَنَامُ عَلَى السَّرِيرِ ، مُحَمَّدٌ يَأْكُلُ الْخُبْرَ ، كُلِّ اللَّحْمَ ، أَيْنَ الْمِسْوَاكُ ؟ – هُنَاكَ عَلَى مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ ، تَعَالَ هُنَا ، مُحَمَّدٌ يَأْكُلُ الْلَّحْمَ ، هَاتِ الْمِبْرَأَةَ ، أَيْنَ الْكُرَاسُ ؟ – هُنَاكَ عَلَى مَقْعِدِ التِّلْمِيذِ ، الْكِتَابُ فِي الْخِزَانَةِ ، سَلِيمٌ يَشْرَبُ الشَّايَ ، مَنْ فِي الْبَيْتِ ؟ ، مَنْ فِي الدَّارِ ؟ ، إِشْرَبِ الْقَهْوَةَ بِالشَّكَرِ .

<sup>9</sup> Баъзи мозий феъллар хусусида наху олимлари феълми ёки исим деб ихтилоф қилишганидек баъзи амр феълларида ҳам ихтилоф қилишди. Улар учта калимадир: هلم ، هات ، تعال . Бундаги туғри гап феъли амр эканлиги, чунки булар амр феълининг асосий аломати бўлган "мухотаба муаннас йо"ни қабул қилишлигидир. M: هلمي ، هاتي ، تعالی کаби ва яна унда ихтилоф бўлмаган амр феъли каби муфрад, тасния ва жамда тусланиши. M: هلم ، هلموا ، هات ، تعالی تعالوا هلمي هلم ، هاتي هات ، تعالی تعالی تعالی

**أَيْنَ الْمُصَلِّي** зарф маҳзуф **مُسْتَقْرٌ** га бўлиб, хабари муқаддам, марфуъ рафлик аломати тақдирий замма раф маҳалида фатҳага мабний. - **الْمُصَلِّي** - мубтадои муаххар, марфуъ рафлик аломати тақдирий замма, ( - **الْمُصَلِّي** ) - йа мутаҳаррик мақобли фатҳали деб йани алифга қалб қилдик **الْمُصَلِّي** бўлди).

**كَرِيمٌ** - Мубтадо, маҳзуф **يَحْفَظُ** жумла хабар, музореъ феъли **هُوَ** замир мустатир фоили бор, мубтадога қайтияпди.

**أَنْتَ تَعَالَ هُنَا** амр феъли **أَنْتَ** замир мустатир фоили раф маҳалида фатҳага мабний рафлик аломати тақдирий замма, замирлар мабнийдир замирлардан **أَنْتَ** фатҳага мабний. **تَعَالَ هُنَا** га зарфи макон мансуб, насл маҳалида сукунга мабний. **مَنْ فِي الْبَيْتِ** - истифҳом бўлиб, аниқ бир шахсга мурожаат қилингани учун маърифа бўлиб мубтадо, сукунга мабний **فِي** ҳарфи жар сукунга мабний, **الْبَيْتِ** мажрур, жар ва мажрур мутааллики маҳзуф **مَوْجُودٌ** га, маҳзуф **مَوْجُودٌ** мубтадога хабар.

## Луғат

<b>مُصَلِّي</b> – жойнамоз	<b>يَحْفَظُ</b> – ёдляяпти
<b>مِسْوَاك</b> – мисвок	<b>بَابٌ</b> – эшик
<b>سَرِيرٌ</b> – каравот	<b>خُبْزٌ</b> – нон
<b>حَمْ</b> – гўшт	<b>تَعَالَ</b> – кел
<b>خِزانَةٌ</b> – шкаф, жавон	<b>هُنَاكَ</b> – у ерда
<b>كُلٌّ</b> – е	<b>يَنَامُ</b> – ухляяпти

## الدَّرْسُ الْعَاشِرُ Ўнинчи дарс Амр ясаш

Амр феъли музореъ феълининг олтига мухотобидан икки йўл билан ясалади. Биринчи йўл музореъ феълининг охирига қараймиз агар соғ ҳарф бўлса сукун қиласиз (تَضْرِبُ - إِضْرِبُ), агар тасния, жами музакар ёки мухотаба муфради муаннас зоида нунлари бўлса олиб ташлаймиз (، تَضْرِبَانَ ، تَضْرِبُونَ ، تَضْرِبِينَ - إِضْرِبَا ، إِضْرِبُوا ، إِضْرِبِيَ), агар

жами муаннас нуни яъни нуни нисва бўлса ўз ҳолида қолдирилади ( تَضْرِبٌ - إِضْرِبْنَ ) , ёки агар калиманинг охири иллат ҳарфи бўлса ҳам олиб ташлаймиз ( تَرْمِي - اِرْمُ ، تَدْعُو - اِدْعُ ) , ёки агар музоъафи сулосий бўлса яъни охирги икки ҳарфи бир жинсдан бўлган феъллардан бўлса ҳаракатларнинг ичида энг енгил ҳаракат бўлган фатҳа билан ўқилади ( أَتَيْنَ ) . Иккинчи йўл билан ҳарфи музореъатни ( أَتَيْنَ ) олиб ташлаймиз ва ундан кейинги ҳарфга қараймиз, агар ҳаракатли ҳарф бўлса шу бўйича қолдирамиз ( تَسْدَارْكُ - سَادِرْكُ ، تَسْفَصَحُ - صَفَحُ ، تَسْرَخُ - سَرَخُ ) , агар сукунли бўлса لِيْفَعْ عِين нинг عِين ни баробарига қараймиз, заммалик бўлса калиманинг бошига заммалик ҳамзани келтирамиз ( تَنْصُرُ - اَنْصُرُ ، تَشْرُفُ - اَشْرُفُ ) , агар фатҳалик ёки касралик бўлса калиманинг бошига касралик ҳамзани келтирамиз ( تَضْرِبُ - إِضْرِبُ ، تَسْمَعُ - اِسْمَعُ ، تَسْسَحِبُ - اِنْسَحِبُ ، تَحْمَارُ - اِحْمَارُ ، تَحَدُّدُبُ - اِحْدَدُبُ ) .

Ифъол бобида яъни، أَكْرَمٌ ни музореъ мутакаллимида музореъат ҳарфи бўлган ҳамза билан бу бобнинг зоида ҳамзаси бир жойда келиб қолди ( أَكْرِمُ ) , талаффуз қилиш қийин бўлиб қолди деб боб аломати бўлган зоида ҳамзани олиб ташладик. Шунга кўра мутакалимга тобеъ қилиб музореъ феълининг қолганларида ҳам зоида ҳамза олиб ташланади يُكْرِمُ ، ثُكْرِمُ ، نُكْرِمُ کаби. Шунинг учун ифъол бобида амр ясаш вактида музореъат ҳарфини олиб ташлаш билан боб аломати бўлган фатҳалик зоида ҳамзани айтишга имкон туғилгани учун музореъат ҳарфини олиб ташлаганимиздан сўнг, кейинги ҳарф сукунлик бўлишига қарамасдан аслий фатҳали зоида ҳамза ўрнига қайтариш билан ўқилади تُحْسِنُ - أَحْسِنُ ، تُكْرِمُ - أَكْرِمُ .

Агар феълимиз "маҳмузли" яъни فَعَلْ ни "фо"си ёки "айни" ёки "ломи" нинг биттасини баробарида ҳамза келган бўлса амр ясаш қўйидаги мисоллар каби бўлади: اَفْرَا - اَفْرَا - اَسَأْلُ - اَسَأْلُ - سَأَلُ - سَأَلُ - خُذُ - خُذُ - تَأْخُذُ - تَأْخُذُ کаби. Да охиридаги ҳарфни сукун қилиб, ҳарфи музореъатни олиб ташлаганимиздан сўнг, ҳамзадан кейинги ҳарф ҳарактли бўлгани учун ҳамзадан беҳожат бўлинди деб олиб ташладик خُذُ бўлди. سَأَلُ да охиридаги ҳарфни сукун қилиб, ҳарфи музореъатни олиб ташлаганимиздан сўнг бўлди. Ҳамзанинг ҳаракатини олдидаги ҳаракат талаб "синга" олиб берамиз ва ҳамза билан "лом" нинг ўртасида ижтимои сукунаййин бўлди деб ҳамзани ҳам ҳазф қиласиз سَلْ бўлди. Ёки юқорида келтирилган умумий амр ясаш қоидасига кўра اَسَأْلُ бўлади. اِفْرَا ҳам умумий қоида билан ясалади.

Бу қоидаларни түлиқ ва мукаммал билиш учун сарф китобларига қаралсин. Сарф илмини аввал мукаммал ўрганиб сўнг наху илми ўрганилса фоидаси кўпроқ ва мукаммал тушинишга ёрдам беради. Шу сабабли сарф фанини ўқиганларга эслатма, ўқимаганларга умумий тушунча сифатида қоидаларни умумий қисқача келтирдик.

**10-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб қоидалар асосида изоҳланг ҳамда феъл турларини аниқланг.

هُوَ تِلْمِيذُ ، أَنَا مُعَلِّمٌ ، أَنْتَ تِلْمِيذٌ ، الْفَرَسُ يَرْكُضُ ، أَيْنَ الْمُهْرُ ؟ ، الْدِيْكُ يَصِيحُ ، أَيْنَ الشَّوْرُ ؟ ، مَتَى تَقْرَأً ؟ ، أَرْكُضْ يَا سَعِيدُ ، أُخْرُجْ مِنَ الْفَصْلِ ، أَنَا أَكْتُبْ ، هَوَ يَصِيحُ ، أَنَا تِلْمِيذٌ ، الْمُهْرُ يَرْكُضُ فِي الدَّارِ ، أَيْنَ الْبَقَرَةُ ؟ ، هُوَ يَشْرِبُ الشَّايَ ، أَنْتَ تَشْرِبُ الشَّايَ ، أَيْنَ الْفَرَسُ ؟ – فِي الدَّارِ ، أَنَا أَقْرَأُ الدَّرْسَ ، أَنْتَ تَفْهَمُ الدَّرْسَ يَا سَعِيدُ ، أَنَا أَحْفَظُ الدَّرْسَ ، أَنْتَ تَنَامُ عَلَى السَّرِيرِ ، الْشَّوْرُ يَأْكُلُ ، أَنَا أَرْكُضْ ، إِشْرِبُ الشَّايَ ، كُلِ الْحُبْزَ ، الْمُهْرُ يَرْكُضُ ، أَيْنَ الْكَلْبُ ؟ – فِي الدَّارِ ، تَعَالَ هُنَا يَا كَرِيمُ ، هُوَ يَأْكُلُ الْلَّحْمَ ، الْعِجْلُ فِي الدَّارِ ، أَيْنَ الدَّجَاجَةُ ؟ .

### Лұғат

يَرْكُضْ – югирияпти

مُهْرٌ – тойчоқ

يَصِيحُ – қичқирияпти

دِيْكُ – хўрор

مَتَى – қачон ?

شَوْرٌ – хўкиз

أُخْرُجْ – чиқ

بَقَرَةٌ – сигир

كَلْبٌ – ит

عِجْلٌ - бузокча

دَجَاجَةٌ – товуқ

مِنْ – ...дан (кўмакчи)

الدَّرْسُ الْحَادِي عَشَرَ

## Ўн биринчи дарс

### Феъли музореъ ва отифа

Музореъ - ҳозирги - келаси замон феълидир. Феъли музореъдан сўз айтилган пайтда иш - ҳаракатнинг бажарилаётгани ёки кейин бажарилиши тушунилади. M: يَكْتُبُ ёзяяпти, ёки ёзади. Музореъ феълининг бош асосои белгилари: "ломи жаҳд"ни қабул қилиши яъни феълининг бошига "ломи жаҳднинг" келиши ва "таъкид нунлари" туташиб келиши. M: يَضْرِبَنَّ ، لَيَضْرِبَنَّ ، نَسْفَعْنَ ، لَنَسْفَعَنَّ

Музореъ феълини ясаш учун музореъат ҳарфлари бўлган ҳарфларидан бирини мозий феълини бошига келтирамиз. Агар мозий феъли тўрт ҳарфли бўлса, унга

қўшилган музореъат ҳарфи замма билан ўқилади. Тўрт ҳарфли бўлмаса фатҳа билан ўқилади. M: - أَكْرَمٌ - يُكْرِمُ ، صَرَحٌ - يُصَرِّخُ ، سَافَرٌ - يُسَافِرُ ، دَحْرَجٌ - يُدَحْرِجُ ، كَسْبٌ - يَكْسِبُ ، إِسْتَكْبَرٌ - يَسْتَكْبِرُ ، اغْتَسَلٌ - يَغْتَسِلُ ، تَعْلَمٌ - يَتَعَلَّمُ ، تَدْحَرَجٌ - يَتَدْحَرِجُ . каби.

Агар мозий феъли зоида т "то" билан бошланган бўлса, музореъ феъли ясалгач охиридан олдинги ҳарфи фатҳали бўйича қолади. M: تَوَجَّهٌ - يَتَوَجَّهُ ، تَنَاوِمٌ - يَتَنَاؤِمُ ، تَدْحَرَجٌ - يَتَدْحَرِجُ . каби.

Агар мозий феъли зоида т "то" билан бошланмаса, сулосий мужарраддан бошқасида охиридан олдинги ҳарф касра билан ўқилади. M: أَكْرَمٌ - يُكْرِمُ ، صَرَحٌ - يُصَرِّخُ ، سَافَرٌ - يُسَافِرُ ، دَحْرَجٌ - يُدَحْرِجُ ، إِسْتَكْبَرٌ - يَسْتَكْبِرُ ، اغْتَسَلٌ - يَغْتَسِلُ . каби.

Агар мозий феъли зоида ҳамзай васлийя ёки ҳамзай қатъийя билан бошланган бўлса, олдига музореъат ҳарфлари қўшилганда ҳамза ўқилмайди ҳам. M: إِنْصَرَفَ - يَنْصَرِفُ ، إِشْتَغَلَ - يَشْتَغِلُ ، أَحْسَنَ - يُحْسِنُ . каби.

Сулосий мужаррад феълларидан музореъ феъллари ясалганда охиридан олдинги ҳарф фатҳали ёки касраги заммалик эканлигини луғат китобларига қараб ёки устозлардан сўраб билинади.

Музореъ феълларининг ҳаммаси муъробдир, раф, наслб ва жазм (сукун) ҳолатларда бўлади. Агар музореъ феълларига таъкид нунларидан бири туташиб келса фатҳага, ёки жами муаннас нуни туташиб келса сукунга мабний бўлади. M: تَضْرِبَنَ ، يَضْرِبَنَ ، لَنْسَفَعَنَ ، لَنْسَفَعَنْ ، لَيَضْرِبَنَ ، نَسْفَعَنَ ، نَسْفَعَنْ . каби.

Демак, феъллардан мозий феъллари ва амр феълларининг ҳаммаси мабний ва музореъ феъллардан таъкид ва муаннас жам нунлари туташиб келганигина мабний.

Музореъ феълининг олдига наслб ва жазм қилувчи ҳарфлар келмаса раф ҳолатида бўлади. Музореъ феълларида рафнинг аслий аломати "замма" дир. M: تَكْسُبٌ - يَكْسُبُ ، تَكْثُبٌ - يَكْثُبُ ، تَكْثِيبٌ - يَكْثِيَبُ ، تَكْثِيْبٌ - يَكْثِيَبُونَ . каби. Беш ўринда замманинг ўрнига эъроб нуни деб аталадиган "зоида нун" туради. M: تَكْثِيْبٌ - يَكْثِيَبُانَ ، تَكْثِيْبٌ - يَكْثِيَبُونَ ، تَكْثِيْبٌ - يَكْثِيَبُونَ . каби. Бу вазиндаги беш феълларни "Афъоли ҳамса" дейилади. Охири иллат ( و ، ي ) ҳарфи билан тугалланган (ноқис) феълларда иллат ҳарфини замма билан айтиш тилга оғир бўлгани учун, раф аломати бўлган замма бордек фараз (такдир) қилинсада сукун билан айтилади. M: بَرْمِيٌ - يَدْعُوٌ - يَدْعُوٌ - يَدْعُوٌ . каби. Аммо охири "мақсур" феълларда яъни, охиридаги иллатли ҳарфи алиф бўлган феълларда доимо сукун бўлиб, унга харакат бериш мумкин бўлмагани учун раф ҳолатда замма, наслб ҳолатда фатҳа такдир қилинади. Аммо ноқис - охири иллат

харфлар ( و ، ي ) билан тугалланган феълларда иллат ҳарфини фатҳа билан айтиш тилга оғир бўлмагани учун соғ ҳарфлардан фарқсиз фатҳа билан наслб бўлаверади. M: يَدْعُو - لَنْ يَرْمِي ، أَنْ يَدْعُو қаби.

**Отиф - боғловчи, маътуф - боғланган, маътуфун алайҳи - унга боғланган.** Ҳарфи отифалар маътуф билан маътуфун алайҳининг орасида келиб, иккаласининг ўртасида бир - бирига ҳақиқий ёки маънавий боғлиқлик бўлгани учун бирига боғлаб келади. Маътуф эъробда маътуфун алайҳига эргашиб унинг хукмини олади.

**Отифа Ҳарфлари ушбулардир:** وَوْ ، فَاءْ ، ثُمْ ، أَوْ ، أَمْ ، بَلْ ، لَا ، لَكِنْ ، حَتَّىْ

лар изофа бўлганда зарфлиги сабабли наслб бўлади агар изофадан холи бўлса заммага мабний бўлади.

**11-машқ:** ўқиб таржима қилинг ва эъроблаб қоидалар асосида изоҳланг ҳамда феъл турларини аниқланг.

